

**Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-6-ИЛОВА**

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ		
1.	Тўлик:	«ALFA LIFE INSURANCE» aksiyadorlik jamiyati
	Қисқартирилган:	«ALFA LIFE INSURANCE» AJ
	Биржа тикерининг номи:	-
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ		
2.	Жойлашган ери:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047
	Почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047
	Электрон почта манзили:	alfalife@alfalife.uz
	Расмий веб-сайти:	https://www.alfalife.uz/
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ		
	Муҳим фактнинг рақами:	06
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар
	Умумий йиғилиш тури:	Навбатдан ташқари
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	16.03.2022 йил
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	16.03.2022 йил
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишмаси. Индекс: 100047
	Умумий йиғилиш кворуми:	100%
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари
3. 1.	«ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг бошқарув органлари фаолияти ва жамиятда корпоратив бошқарувни тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш	Ягона акциядор томонидан қабул қилинди
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорнинг тўлиқ баёни:		
1.	Кун тартибидаги масала бўйича «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига кўра жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан кўпи билан уч ой муддатда акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги, жамиятнинг кузатув кенгаши, ижроия органи ҳақидаги (тегишинча директори, бошқаруви, ишончли бошқарувчи тўғрисидаги) ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тайёрлаши ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаши шарт эканлиги таъкидлади. Қонуннинг мазкур талабини ижро этиш мақсадида ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг ягона акциядори томонидан қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги низом, «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом, «Ижро	

этувчи органи тўғрисида»ги низом, «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом, «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низом, «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги низомлар ишлаб чиқилганлигини ва мазкур ички меъёрий ҳужжатлар мазмунини кўриб чиқиб, тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги масала бўйича

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлар мазкур қарор иловасига мувофиқ тасдиқлансин:
 - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг ягона акциядори томонидан қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги низом;
 - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом;
 - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг Ижро этувчи органи тўғрисида»ги низом;
 - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом;
 - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низом;
 - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг ахборот сиёсати тўғрисида»ги низом.
2. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлар билан маъсул шахсларни таништирсин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директориға юклатилсин.

Бош директор

Бош бухгалтер

Веб-сайтда ахборот
жойлаштирган ваколатли шахс



Якубова Н.К.

Камалова Ф.М.

Таиров А.Ш.